

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 20-ҳадис

20- وَعَنْ أَبِي حَمْزَةَ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ الْأَنْصَارِيِّ - خَادِمِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لِلَّهِ أَفْرَحُ بِتَوْبَةِ عَبْدِهِ مِنْ أَحَدِكُمْ سَقَطَ عَلَى بَعِيرِهِ وَقَدْ أَضَلَّهُ فِي أَرْضٍ فَلَاةٍ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6309، 2747/8].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ: «لِلَّهِ أَشَدُّ فَرَحًا بِتَوْبَةِ عَبْدِهِ حِينَ يَتُوبُ إِلَيْهِ مِنْ أَحَدِكُمْ كَانَ عَلَى رَاحِلَتِهِ بِأَرْضٍ فَلَاةٍ، فَانْقَلَبَتْ مِنْهُ وَعَلَيْهَا طَعَامُهُ وَشِرَابُهُ، فَأَيْسَ مِنْهَا، فَأَتَى شَجْرَةً فَاضْطَجَعَ فِي ظِلِّهَا، قَدْ أَيْسَ مِنْ رَاحِلَتِهِ، فَبَيَّنَمَا هُوَ كَذَلِكَ، إِذْ هُوَ بِهَا قَائِمَةٌ عِنْدَهُ، فَأَخَذَ بِخَطَامِهَا ثُمَّ قَالَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ: اللَّهُمَّ، أَنْتَ عَبْدِي وَأَنَا رَبُّكَ، أَخْطَأَ مِنْ شِدَّةِ الْفَرَحِ». [2747].

20. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ходимлари Абу Ҳамза Анас ибн Молик ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аллоҳ бандасининг тавбасидан бирортангиз биёбонда йўқотиб қўйган гуясини топиб олганидан кўра хурсанд бўлади», дедилар».**

*Муттафақун алайҳ.*

Имом Муслимнинг ривоятида қуйидагича келтирилган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Банда Аллоҳга тавба қилса, У Зот унинг тавбасидан бирингиз кимсасиз чўлда кетаётганда егулик ва сув ортилган туяси қочиб кетиб, ундан умидини узиб, бир дарахтнинг соясида ёнбошлаб, туясидан тамомила умидини узиб турганида бирдан туяси тепасида турганини кўриб қолиб, унинг юганига ёпишиб, қаттиқ хурсанд бўлиб кетганидан адашиб, «Аллоҳим! Сен менинг бандамсан, мен Сенинг Роббингман!» деб юборганидан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади».**

**Шарҳ:** Банда тавба қилса, Аллоҳ таолонинг хурсандчилиги бандасиникидан ортиқроқ бўлади. Шод ва хурсанд бўлиш одам боласининг сифатларидан бўлиб, у нарсани Аллоҳга нисбатан ишлатиш жоиз эмас. «Шод ва хурсанд бўлди» дегани «рози бўлди», деган маънони англатади. Кулги ва башорат ҳам худди шу маънодадир. Мутақаддим аҳли ҳадислар уни тарғиб қилинган амаллар ва Аллоҳнинг фазлини хабар бериш, деган маънода тушуниб, ушбу сифатларни Аллоҳга нисбатан исботлашган. Аммо унинг тафсири билан машғул бўлишмаган. Чунки Аллоҳ таоло махлуқларнинг сифатларидан покдир, деган эътиқодда бўлишган. Зеро Аллоҳ Қуръонда: «Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир», деб айтган. (Шўро сураси, 11-оят). Ҳадисда қуйидаги илм қоидаси бор. Банда қаттиқ шод бўлиб, тилида хато лафзни ишлатиши ёки қаттиқ ғазаблангани учун азобга тортилмайди. Шунинг учун «Сен қулимсан ва мен роббингман», деб айтгани учун кофирга чиқарилмайди. Маълумингизки, қасд қилмасдан ғазабнинг таъсири бу ҳолатга етиб келади ёки ундан ҳам буюкроқ бўлади. Ўта қаттиқ ғазабга тушиб бу каби сўзларни айтган кишини айбга тортилмайди. Буни араб тилида «иғлоқ», яъни ёпиқ дейилади. Бошқалар буни жиннилик деб номлашган. Яъни гапирувчининг мақсади ёпиқ, гўёки қалби хоҳлаган маъно учун очилмаган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVIQLARI